


- * XXI асрнинг ҳақиқий Президенти сайланди
- * "Чимилдиқ"да: Абдулла Орипов биринчи мұхаббати билан
- * Шохдор одамлар бугун ҳам орамизда яшаётган экан
- * Тарихий обидаларга құшнилар үгри чиқиб қолди



Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

Ўзбекистон

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1925 йилдан чиқа
бошлаган

2000 йил 12 январь Чоршанба.
№ 4 (14286)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

2000 йил 11 январда
Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлиси
Марказий сайлов комиссиясининг раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартиби битта масалага - 2000 йил 9 январ куни бўлиб ўтган
Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланди.

Мажлиса қайд этилганидек, 2000 йилнинг 9 январи мустақил Ўзбекистонимиз тарихида асрлар тушиштаги пайтда содир бўлган, давлатимизнинг XXI асрдаги ҳаётига ва тараққиётiga жиддий таъсир кўрсатадиган муҳим сиёсий воқеа сифатида мухрланиб қолади. Ўзбекистон фуқароларининг аксарияти ҳозирги давлат бошлигининг раҳбарлиги остида ва ташаббусига кўра амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ўзгарышларни қўллаб-қувватлаган ҳолда Ислом Каримов номзоди учун овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулхафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

(ЎЗА)

Ойлик доирасида вилоят, шаҳар ва туман марказларида оммавий-ватанпарварлик ойлиги ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Кенгашиниң 95,10 фоизини ташкил этди. Фидокорлар миллий демократик партиясида номзоди кўрсатилган Ислом Каримов учун 11 миллион 147 минг 621 сайловчи ёки сайловчиларнинг 91,9 фоизи овоз берди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулхафиз Жалолов учун 505 минг 161 сайловчи ёки 4,17 фоиз сайловчи овоз берди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг 35-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислом Абдуганиевич Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.



ИШОНЧ КАРВОНЛАРИ

Мамлакатимизда 1999 йил 15 деқабридан 2000 йил 14 январига қадар Ватан ҳимоячилари кунига багишинган оммавий-ватанпарварлик ойлиги ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгаши бу муҳим тадбирни Мудофаас ва халқ таълими vazirliklari, "Камолот", "Нуроний" жамғармалари ҳамда "Мавъият ва маърифат" жамоатчилик маркази

ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, уруш ва меҳнат, Куролли Кучлар фахрийлари, ота-оналар ҳарбий қисмларда бўлиб, аскарларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиди. Шунингдек, ўкувчи ёшлар, "Ватанпарвар" ташкилоти автомобиль мактаблари курсантларини армиямиз ҳаёти билан яқиндан танишириш мақсадида уларнинг ҳарбий қисмларга, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича оммавий спорт мусоба-

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2000 йил мамлакатимизда Соглом авлод Йили, деб ўзлон қилинди. Шўни таъкидлаш жоизи, мамлакатимиз келаражаги бўлган ёш авлодни руҳан бой, жисмонан соғлом, Ватан ҳимоясига ҳамиша тайёр қилиб тарбиялашда спорт алоҳида аҳамиятга эга. Ойлик давомида спортнинг техник ва амалий тур-

Ватанга садоқат тарбияси

билан ҳамкорлиқда амалга ошириди. — Ойликни ўтказишидан асосий мақсад, — деди "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгаши раиси, полковник Абдулазиз Абдуқаҳоров, — халқ билан армия бирлигини янада мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлиги руҳидаги тарбиялаш ва уларни ҳарбий хизматга тайёрлашдан, хуқуқий билимини ошириш, шунингдек спортнинг техник ва амалий турлари бўйича машғулотларга кенг жалб этишдан иборат эди.

Ойлик доирасида вилоят, шаҳар ва туман марказларида оммавий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказилди. Шуни айтиши керакки, бугунги кунда мустақил мамлакатимизнинг кўпкаб ёшлари шонли армиямиз сафида Ватан олдиаги конституцияйи бурчларини шараф билан адо этмоқдалар. Улар хизмат жараёнида ҳарбий ва жанговар тайёргарликни тобора ошириб, замонавий ҳарбий техника сирларини пухта ўзлашириётар.

Шуниси этиборлики, маҳаллий

қалари ўтказиладиган жойларга сафари ўштирилди. Курсантлар Куролли Кучлар Марказий музей экспонатлари билан танишиди. Меҳнат жамоатлари ва ўкув юртларида ўзбекистон тарихи ва Куролли Кучларниң ҳаётини акс эттиручи кўргазмалар ташкил этилди.

Ҳарбий қисмлар, ўкув юртлари ва маҳаллаларда, меҳнат жамоатларида, "Ватанпарвар"нинг автомобиль мактабларининг курсантлари ўртасида ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Хушёриклика давлат", "Ватан саждагоҳи каби мукаддасидир" асрлари бўйича сұхбатлар бўлиб ўтди. Шунингдек, ҳарбий хизматга чақирилувчилар, ҳарбий биллим юртлари курсантлари билан ўзаро дўстлик, бирордлик, ҳамжihatлис туйгуларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Мардлар кўриклияди Ватанни!", "Куч - адолатда", "Сафдошининг хурмат қил", "Ҳарбий хизматчининг маънавий киёфаси" каби мавзуларда қизиқарли учрашув ва сұхбатлар руҳидаги тарбиялаш ишига муҳим хисса бўлиб қўшилди.

Сұхбатдош:
Т.Ботирбеков,
ЎзА мухбери

Юртимизда Ўзбекистон тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлган Республика Президентлигига сайлов муввафакиятилди. 9 январь куни эрталабдан қаттиқ соvuқ бўлиб, қор ёққанига қарамай юртдошларимиз эрта тонгдан сайлов участкалари га йўл олиши. Марказий Сайлов Комиссияси Матбуот маркази сайлов жараёни кенг ва ошкора ёритиб бориш мақсадида шу куни

ти:

— Биз Ўзбекистондаги сайловлар юксак даражада ташкил этилганинг гувоҳи бўлдик. Ўзбек халқининг уюшқоқлиги, эртанги кунига бефарқ қарамаслиги ва умуман сайловларга байрамдек муносабатда бўлганини кўрдик. Яширишнинг ҳожати йўқ, Россиядаги сайловолди кампаниясини эсланг. Номзодларнинг бир-бiriни ҳақоратлаши, муштлашув, уртўполонлар... Ўзбекис-

қария ҳам овоз беришга келганини кўриб, тўлқинланиб кетдим. У билан сұхбат қурдик. Бобо юртингизнинг эртанги кунини Юртбошингиз фаолияти билан боғлиқлигига ишонади.

Лимб Ток Кю, Жанубий Кореядаги инглиз тилида чоп этилувчи "Diplomacy" журналининг раҳбари:

— Сайлов демократия тамойилларига мос, мұқобиллик асосида ўтди. Бу республикан-

ТАРИХГА АЙДАНГАН КУН

соат 6.00 дан 24.00 гача узулксиз фаолият кўрсатди. Мамлакатимизнинг барча худудларида сайлов жараёни қандай давом этаётгани "Сайлов" автоматлаштирилган компютер тизими орқали ҳар икки соатда маълум қилиб борилди. Бу ерга ўрнатилган халқаро факс, ИНТЕРНЕТ алоқа тармолари, замонавий компютерлар кун бўйи журналистлар хизматида бўлди. Ҳар икки соатда олинган маълумотлар халқаро кузатувчилар, эксперталар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун мунтазам эълон қилиб борилди. Соат 10.00. МСК тарқатган маълумотларга кўра, рўйхатга олинган сайловчиларнинг 54 фоизидан зиёди овоз берил бўлганди.

МСК раиси Нажмиддин Комиловнинг журналистларга айтишича, вақт тафовути 4 соат бўлгани боис Япония ва Корея сингари кунчиқар давлатлардаги Ўзбекистон ваколатхоналарида овоз бериш Тошкент вақти билан соат 02 да бошланган. Соат 16.00 га қадар Буюк Британия, Германия, Франция, Бельгия каби давлатлардаги юртимиз ваколатхоналарида сайловчиларнинг фаоллиги боис, овоз бериш жараёни якунланиш арафасида эди. Сайловга худди шу соатга келиб, Марказий компьютер тармоғига уланган катта монитор орқали Сирдарё, Андикон, Жиззах ва Наманган вилоятларида сайловчиларнинг тўқсон беш фоизидан зиёди овоз бериб бўлганини кузатдик.

Биз Ўзбекистондаги мазкур сайлов жараёни ҳақида чет эллик кузатувчиларнинг фикри билан қизиқдик.

Ирина Звягельская, Россиядаги стратегик ва сиёсий тадқиқотлар Марказининг вице-президен-



БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАДЛАРНИМIZ

тунда сайловлар халқнинг юксак сиёсий маданияти, ошкоралик, демократиянинг том маънода ҳукмронлиги боис муввафакияти ўтди.

Борис Кандов, АҚШлик кузатувчи:

— Биз Андикон, Бухоро, Сарманд ва Тошкент вилоятларида бўлиб, овоз бериш жараёни кузатдик. Эрталабдан сайловчиларнинг асосий кисми овоз бериб бўлди. Бу халқнинг сайловга жиддий ва масъулият билан ёндошганидан дарак беради. Халқингизнинг ютуғи шуки, у ўзига муносиб, фидойи, юртпарвар инсонни Йўлбошли этиб танлай олди.

Мю Хуашоу, Хитой Халқ Республикаси ҳукумати қошидаги Европа ва Осиённинг ижтимоий тараққиёти институтининг тадқиқотлар Маркази раҳбари:

— Тошкентдаги еттита сайлов участкасида бўлдим. У ерда сайловчилар учун барча шароитлар яратилган. Қайсирид сайлов участкасида 86 ёшли

гиз қўлга кирилган ютуклардан бириди. Одамлар руҳиятидаги кўтаринкилик, келажакка ишонч бизнинг ҳам юрагимизга кўди, десам янгишмайман.

Дарҳақиқат, куни кеча халқимиз яна бир синовдан муввафакиятилди. У ўз келажаги, Ватани истиқболини Мустақиллигимиз асосчиси, ёшларнинг ҳақиқий Йўлбошлиси, фидойи инсон Ислом Каримов билан боғланганини намойиш этиди. Сайлов Ўзбекистон танлаган йўлнинг тўғри эканлигини яна бир карра исботлади. Зоро, бугунги сайловлар нафакат Ватанимиз учун, балки Марказий Осиё минтақасининг ривожи, осоиишталиги, хавфсизлиги ва барқарорлиги учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ватандошларимиз бугуннинг қадрига етган ҳолда истиқболни кўриб сайловларда овоз бердилар. Ислом Каримов яна Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

Назокат УСМОНОВА

молот" жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан форум ўтказилди.

БУХОРОДА ЁШЛАР ФОРУМИ

Тадбирни "Камолот"нинг вилоят бўлими раиси Жалолиддин Иzzатов кириш сўзи билан очиб, сўнгги йилларда

юртимизда қўлга кирилган ютуклар, ёшлар учун яратилётган имкониятлар хусусида батафсил маъруза сўзлади. Бухоро давлат университети талабаси Махсуд Асадов, Гулмира Асраева сингари ёшлар бўлиб ўтган сайловлар ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Анжуман иштирокчилари Президент Ислом Каримов номига мурожаатнома қабул қилишди.

ЁШЛАР ПРЕЗИДЕНТГА ИШОНАДИ

ЭЗГУ ИШЛАР РАҲНАМОСИ

Мустақилликнинг халқимизга берган инъоми ҳақида кўп сўзлаш мумкин. Энг асосиси халқимизнинг миллӣ гурури, миллӣ онги, тафаккури қайта уйғонди. Ўзбек қаддини ростлади. Халқнинг бой урф-одатлари, анъаналари тикланди. Ёшларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етиш

лари учун барча шароитлар муҳайё. Иқтидорли йигит-қизларнинг хорижда таълим олишларини кўллаб-қувватлоччи "Умид" жамғармасининг ташкил этилиши билан эса кўпчиликнинг дилидаги орзу ҳақиқатга айланди.

Юртимиздаги ҳар бир ёшга фарзандим, деяғамхўрлик кўрсатиш фақат мард инсонлар гагина хосдир. Мен Ислом Каримовнинг қайта Президент этиб сайланниши билардим. Чунки Ўзбекистон ёшлари у кишига чин дилдан ишонади, ҳурам қиласи ва ардоқлайди.

Пайти келса кишининг ўз боласига ҳам сўзи ўтмай қолади. Аммо бутун республикани бошқариш, уни ҳар жиҳатдан ривожлантириш, Ўзбекистоннинг жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топтириш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бундай эзгу ва оламшумул юмушларга эса шиҷоатли инсонгина бошқош бўла олади. Бугун дунёда кечётган мураккаб сиёсий-иқтисодий жараёнилар палласида юртимизнинг тақдирини у кишисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Гўзал АБДУЛЛАЕВА, Тошкент темир йўллар транспорти мухандислари институти талабаси

КЕЛАЖАККА УМИД

Мен оддий курувчиман. Касбимни яхши кўраман. Ўзбекистонда кечётган ислоҳотлар жараёни эса улкан ва кўркам бинонинг қурилишига қиёслайман. Тўғи ҳозир қўлга кирилган ютуқларимиздан кўра ҳали яна бажарилиши лозим бўлган юмушларимиз, режаларимиз жуда кўп. Бироқ атрофимиздаги давлатларда яшаётган халқларнинг турмуш тарзидаги муаммоларни ўласанг, ўтётган ҳар бир кунимиз учун шукроналар айтамиш.

Биз бутун оила аъзоларимиз

билан Ислом Каримов учун овоз бердик. Чунки келажагимизни фақат ана шу инсон билан боғлиқ ҳолда кўрамиз.

Қайси соҳа бўлмасин Президентимиз ёшларнинг малакали касб эгаллашиб, билим олишига, саломатлигини мустаҳкамлашиб катта эътибор бермоқда. Ўз навбатида ўзбекистонлик йигит-қизларнинг тақдирни, келажагини фидойи инсон кўлига ишониб топширганимиздан мамнунмиз.

Рустам РАҲМАТУЛЛАЕВ

АДОЛАТЛИ САЙЛОВ

Сайлов демократик тамойиллар асосида ўтди. Унда илк бора қатнашётган ёшлар ҳам ўз хоҳиш иродаларини эркин ифода этдилар. Ҳар биримиз сайлов натижаларини интиқлик билан кутдик. Халқ севганд инсон қайта сайланганини эшитиб, дил-дилини миздан кувондик.

Шаҳримизда қисқа вақтда

муҳташам бинолар, янги улубадаги барча шароитларга эга бозорлар, турар жойлар қад ростлади. Буларнинг барчаси мамлакатимиз тўғри йўлдан кетаётганини, халқ аллақачон ўз Йўлбошлисини танлаб олганини кўрсатади.

М.САЙДОВ, курувчи-муҳандис

МУНОСИБ ИНСОН

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловда фаол қатнашиб, Ислом Каримов номзодига овоз бердим. Бизга мустақилликдек буюк неъматни қайтиришда раҳнамолик қилган Юртбошингиз яна республика Президенти этиб сайланди. Биз ёшларни ҳар томонлама камол топишимида жонбозлик қилаётган Ислом Каримовга Яраттанди тинчлик ва омонликини тилаш билан бирга, ёшлар унинг ишончи албатта оқлашини изҳор этмоқчиман.

О.ЭМИНОВ, Тошми талабаси



"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 2000 йил 12 январа № 2 (59)

Бүйшидан хотиржакам бўи, ҳаммасига ўзим жавоб бераман. Сен фақат... ўзинги кўнга ол. Азигга сиралган билдира
Атлоникага зўрга етуб бордим. Рашни рўйшил бир аҳволда, бутун вузуздиги

Дунёда энг кўп дўстли қиз ким, деса ўзимдан бошқасини кўрсатмайман. Чунки қаерга бормай биронни "илинтираман", дардкаш то-пилади. Ўзимнинг дардимни эса ҳеч кимга айтмолмайман, уяламан.

Икки йил бурун мендан олдин синглим-

ОПАЛИК "БАХТИ"

ни узатиши. Отонамдан хафа бўлишга ҳақим. Эндиғина 22 га кирдим. Шу ёшимда қиз бола тақдири қанчалик қийинлигини хис этдим. Худо хоҳласа, баҳтили бўлиб кетарман. Лекин отонам, синглим билиб-бilmай қалбимга соглан жароҳатларини кечира оламан-



Н.,
Бухоро

Яқинда қўлимга бир газета тушиб қолди. "Чимилидик". Тўғриси шу кунларда ҳечам газета ўқимай қўйгандим. Лекин "Чимилидик" менинг дардкашим бўла оларкан. Ҳеч кимга айтмаган гапларим шу қадар кўп-ки.

Манзилимни тўлиқ ёзманлар. Ўзимга яраша таникли



ТЎЙЧИННИНГ ДАРДИ ТЎЙ ЭМАС

хар кечқурун тўйимиз бор. Биринчи хотинимнинг кетиб қолишига ҳам мана шу асосий сабаб бўлди.

одамман. Тўй-хашамларда хонандалик, ҳалқ тилида айтганда отарчилик қила-ман. Туманимиз катта-ю, касдошларим камчилик. Шунинг учун мавсумда

Эркак кишиман, айбимни аёл кишига юкламоқчимасман. Энг ёмони, сени ёстиқдо-

шинг тушунмаслиги. Шу яхши яшасин, кам бўлмасин, деб кечаси билан ишлаб келсанг-у, жанжалнинг устидан чиқсанг. Раши ҳам эви билан экан.

Икки ўртада 3 та болам етим бўлди. Иккичи хотиним қариндошим бўлса-да, уйланишдан олдин тайнли ишга жойлашдим. Аёлларнинг фельли кўпинча ўхшаш деб ўзимни ўтга отибман. 26 га кириб, ишхона нималигини кўриб, у ердаги ҳамкасбимни севиб қолдим. Шу ёшимда менга Мажнунлик ярашмайди. Нима қилай, севги одам танламас экан. Балки у қиз ҳам мени танламас.

НОСИРБЕК

СЕВИШ НИМА ДЕГАНИ?

Севишганлар ҳақида кўп нарса биламан. Китоблардан ўқиганим, киноларда кўрганим бор. Севган одам ҳеч нарсадан қайтмайди, маъшуқаси учун ҳамма нарсага тайёр бўлиши шарт.

Шу кунгача ана шундай хаёллар билан яшадим. Ҳеч ким ташқаридан шу қиз биронни севади деб айтмайди. Лекин қалбим курсдошим Ш.га нисбатан муҳаббатга лиммо-лим тўла. Бирор марта буни унга айтмаганман. Лекин ҳар бир ҳаракатим "сотиб" қўяди. Ш. ҳаммасига бепарво.

Дардимни тушунинглар. Кечалари уйқ

ум йўқ. Наҳотки севмаганга сўйкалаётган бўлсам. Ана шу сўз миямга келди дегунча "ишқим"га нуқта қўяман. Эртасига у номард бир қиликлар билан яна юрагимга ўтсолади. Севаман деб айтмайди-ю, шунга яқин бир нималар дейди. Балки ўзимни-ўзим алдаётгандирман. Севган одам қизини ҳеч бўлмаганда байрамда совфа-салом билан йўқламайдими? Бир йил бўляпти, ундан эсдалика ҳеч нарса олмайдим. Шу сабаб севгимизни исботлай олмайман. Ҳаммадан "У"ни сир тутаман.

Дилфуза,
Тошкент

атиб қўзли ташма тақиқотлар комплексини ҳада қилиди. Бу нарса заргарлар турар, бу нутка ҳудди ўзиникидақа "Мойота" автомобилинин сотиб олиши тунгич эди. Кейинроқ билшишинга, ўша кунги ғадбабали зиёфат аслида течкин тушнадан куним туносавабини

ШИМ КИЙМАНГ. ЖОН ҚИЗЛАРЖОН.

у з у н
соҷли қизни ҳам
учратдим. Соч-ку, майли
шим кийишига нима дейсиз?

Шимсиз ҳам улар бизга ёқади. Наҳотки, уларнинг ярим яланғоч кўйлакларда, калта юбкаларда юриши ота-оналарига таъсир қилмаса? Ахир ўзбек қизлари миллийлигимизни асрар, кейинги авлодга етказувчиларку. Жон қизларжон ҳамма эркаликларингизни кўтарамиз, фақат шим кийманг. Ё сиз кийингё биз кияйлик.

Ийитлар
номидан,
Комилжон
КИЁМОВ

ЁЛГОНЛАРГА ИШОНИБ

Мен отонамнинг 18 ёшли эрка, яккаю ёлғиз қизиман. Ўзимга яраша тантиқликларига тайёр эмасман. Шунинг учун бўлса керак, бошимга тушаётган бу синовлардан жуда ганиб қолаяпман.

1999 йил 6 март... мен учун бир умрга унтилмас ширин хотираларни эслатиб турувчи кун.

Касал курсдошимни кўргани ётоқхонасига бордим. Тақдир тақозоси билан у ерда Б. ни уратиб қолдим. У билан ҳамشاҳар, ҳаттоқи мактабдош эканмиз. Бир-бirimиз билан яхшилаб танишиб олдик. Факультетимиз бошқа бўлганлиги учун ҳафтада бир-икки марта учрашиб қолардик. Не-не йигитларнинг бошини эгdirган мағрур қалбим Б.га нисбатан ўз таъсирини ўтказолмади. Уни кўрдим дегунча айтадиган гапимни унтутиб, қизарib кетаман. Мени бу аҳволда биринчи марта кўраётган дугоналарим кўп марталаб ҳайратда қолишган. Унинг олдида ўзимни шундай тутишим сабабини ҳамма билади-ю, аммо у билмайди. Балки аллақачон сезгандир. Ҳар холда шу пайтгача мен билан ака-сингилдек муомалада. Кейинчалик ўзимга ахмоқона бир рёжа тузиб олдим. Бу менинг ҳәтим мобайнида қилган энг катта хатойимдир. Изимдан

юрадиган йигитлар ора-сидан Ф. исмли талабалар ўртасида "малум ва машҳур" бир болани танладим. У билан севишганларга ўхшаш кеч тушунча сухбатлашиб, сайр қилиб юрар эдик. Режами ни ҳақиқий чиқиши учун дугоналаримга йўқ ёлғонларни тўқидим. Б. бизни кўча-куйда кўп марталаб учратиб қолади-ю бир нима деймайди. Нима қилишга ҳайрон эдим. Бир куни Б. билан одатдагидек кўришганимизда, у менга Ф. яхши бола эмаслигини, у билан гаплашмаслики маслаҳат берди. Шу куни Ф. билан "алоқани уздим". Мен ҳозиргача нима қилган бўлсам Б.га қасдма-қасд килдим.

Мени сўраётгандар кўп. Ўзим сезмаган ҳолда уларнинг кўринишидан, юриш-туришдан, муомаласидан ҳам унга ўхшаш томонларни қидирганим. Севгимни ошкор қилишга қизлик ибо-хаём йўл қўймаяпти. Лекин бир томондан севгим жавобиз қолишидан кўрқаман. Маслаҳат бер, "Чимилидик" нима қилай?

ФАРИДА, Тошду
талабаси

иасаса..." ўша дўхтарни кипалар күтишини билас-шеколигиниң оқнор рашни янаён хиралашив кетди.



Абдула ОРИПОВ: “ЮРАГИМНИНГ МАЖРУҲ ПАРЧАСИ”

МЕН
ВА →

Кузак шамоллари эсдилар яна,
Сокин юрагимда түйгулар күзгаб.
Келгил, паривашим, келгил жимгина,
Келгил самолардан мезонга ўхшаб.
Оқшом туманида кезайлик хүшкол,
Түнган юлдузларга бокайлик түйиб.
Шивалаган ёмғир, дайдиган шамол,
Майли, изимизни кетсингилар ювиг.
Боғларда хазонлар шовуллар қуок,
Улар соялардир, жонгинам, факат.
Улар билмайдилар, биломаслар йўк,
Нақадар буюқдир бизнинг муҳаббат.
Поёнисиз оламга бокайлик сўзсиз,
На ҳасрат, на сўзниң бордир кераги.
Бизнинг теграмизда ёнаётган куз
Кайси бир ошикнинг сўнган юраги...

* * *

Жўнар бўлдим мен бундан дилтанг,
Йўлларимга қараб қолдинг сен.
Сочгинангни тараб қолдинг сен,
О, биламан баджакхол отанг,
Остонангта йўлатмас мени.
Ишонмайди сен севган ёрга,
Узоқларга жўнатмас сени,
Кетар бўлсак иккимиз бирга.
Билагузук тақиби отанг
Кўлгинангни боғлаб бир йўла.
Билагузук, бандинг узулсин,
Ёр кўлини қисгандан кўра.
Сен дедингки: “Бўлсадим юлдуз,
Осмонлардан боксам-да сизга,
Тушишга йўл топардим, эсиз,
Отам оқ йўл берсайди бизга”.
Тўхта, етар, бир кун отангнинг,
Хузурига қайтиб келармиз.
Кечир, дермиз, етмаса агар,
Учта бўлиб узр сўрармиз.
Бизни ҳеч ким айб этмас, жоним,
Фамгин бўлмас биздан хотира.
Севгисидан баҳт топганларнинг
Бўлганми ҳеч номлари қора?...



БИРИНЧИ МУҲАББАТИМ

Кеча оқшом фалақда ой бўзарип ботганда,
Зухро юлдуз милтираб, хира ханда отганда,
Рухимда бир маъюслик сокинлик уйғотганда,
Мен сени эсга олдим, биринчи муҳаббатим,
Эслаб хаёлга толдим, биринчи муҳаббатим.

Ўтди ёшлиқ завқ билан, гоҳи тўполон билан,
Гоҳида яхши билан, гоҳида ёмон билан,
Айри ҳам тушдим баъзан қалб билан, имон билан,
Лекин сени йўқотдим, биринчи муҳаббатим,
Мангу фафлатда қотдим, биринчи муҳаббатим.

Дунё деган шундайин англаб бўлмас сир экан,
Гоҳ кенг экан, гоҳида туйнуксиз қаср экан.
Лекин инсон ҳамиша бир ҳисга асир экан...
Нечун билмовдим аввал, биринчи муҳаббатим,
Парво қилмовдим аввал, биринчи муҳаббатим.

Ҳолбуки орзулардан жудо ҳам бўлганим йўқ,
Юлдуздай кулганим йўқ, ой каби тўлганим йўқ.
Эрта хазон гул каби сарғайиб сўлганим йўқ,
Сени эслаб йиглайман, биринчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тиглайман, биринчи муҳаббатим.

Йўлин йўқотса одам — муҳаббатга суянгай,
Fussaga ботса одам — муҳаббатга суянгай.
Чорасиз қотса одам — муҳаббатга суянгай,
Мен кимга суянгайман, биринчи муҳаббатим,
Факат эслаб ёнгайман, биринчи муҳаббатим.

Нидо бергил, қайдасан, шарпанига қулоқ тутдим,
Сирли тушлар кўриб мен бор дунёни унудим.
Тонгда туриб номингга ушбу шеъримни битдим,
Дилдаги оҳим менинг, биринчи муҳаббатим,
Ёлғиз оллоҳим менинг, биринчи муҳаббатим.



Муҳаббат не-
дир? Армонми... Ошиклик нима? Да-
восиз дардми... Икки қалбни зор
қақшатган, хижрон оловида кўйди-
риб, висол ишқида сўлдиран бу түй-
гулар нима? Тангри томонидан бе-
рилган мукофотми ёки бир синов?
Бу синов бўлса, ундан эсон-омон
үтиш учун нима кимлок керак? Ох, бу
саволларга жавоб топа олсан эди,
балки севги муаммосини ечиш им-

бетимсол мақбара барпо этиш-
га қарор қиласди. Бунинг учун бутун
оламдан энг кўли гул усталарни, нак-
қошу дурадгорларни чақиради. Аммо
ҳамманинг орасиди ганчкорларнинг
етакчиси, ёшгина йигит ажралиб тур-
ган. У оддий лойга ҳам жон киритиб
юборадиган даражада моҳир уста
бўлиб, жуда келишган ҳам эди. Аллоҳ
бу устани ҳеч томондан қисмаган, ҳатто
ширали овоз бериб, ҳофиз даражаси-
га-да яқинлаштирганди.

Ҳар оқшом, усталар ишларига якун

ти, латиф ҳаракатларига маст
бўлиб, Марзияни пинҳона севиб қола-
ди. Энди у ҳар куни қизни кутар,
қўшиклари тобора кўйган кўнгил изти-
робларини ошкор эта бошлаганди.
Марзия ҳам қалбиди жўш урган муҳаб-
бат олови тобора алана олаётганини
ҳис қиласди.

Кунларнинг бирида кутилмаган
ҳодиса юз берди. Марзия устага бир
пиёла сув узатаетганида йигит ўзини

тутолмай қиз юзидағи пардани кўта-
риб юборади. Бир замон қўёшнинг ҳам
юзини тўсгучи гўзал чехра ҳаммани
ҳайратга солади. Ҳайрат ўринини сўнг
ҳавотир эгаллади. Ахир қандайдир кул-
бача подшо қавмидан бўлган малика-
нинг юзидағи пардани кўтаришга жазм
қилас-я!

Усталар ёш йигитни ўраб олиб, сар-
карда сафардан қайтса, бўлиб ўтган
воеадан хабар топса нималар рўй бе-
риши мумкинлигини тахмин қила бош-
лайдилар. Йигитни титрот босади. Уст-
алар ўша куни тунда қочиб кетадилар.
Қочоқлар узоқча бора олмайдилар.
Бийдай даштда яширина диган жой йўқ.
Темур лашкарлари уларни тутиб, зин-
донбанд этадилар.

Марзия ҳар куни туш маҳал қурувчи-

кони топилармиди...

Ҳар не бўлгандা ҳам муҳаббат
масъулият ва жавобарлика, садо-
кат ва ишончга таянадиган бир тўйигу.

Туркистонда Ҳожа Аҳмад Ясавий-
нинг гаройиб мақбараси бор. Бу мақ-
барап Амир Темурнинг фармонига би-
ноан бунёд этилган. Унинг зангор
гумбази кўёш нурларида ўзгача жил-
валаниб туради. Аммо унинг кўзга
ташланган бир камчилиги бор: меъ-
морий уйғунлик охирiga етказилма-
ган, умумий мажмууга ёпишмайрок
қолган. Ёнг эса ўзига хос сабаб-
лари, яъни бир севги тақдирни мав-
жуд.

Амир Темур улуғ Ҳожа Аҳмад Яс-
авийга хурмат бажо келтириш учун

Эртаси куни эса Марзиядан қочок
ошиқа аталган мактуб келади. Унда
йигитнинг иродасизлиги, кўрқокли-
ги энди гунча очган муҳаббатни пай-
мол этгани ёзилган эди.

“Бир кунда ўзингизни фош эт-
дингиз-а... Барча топган обрў-
эътиборингиз бир зумда сўнди.
Наҳот ўшанда кўзларимдан Сизга
айтмоқчи бўлган сўзларимни сез-
маган эдингиз?! Сиз терган ҳар
ғиштингизга меҳр кўзимни тикка-
нимни ошиқ кўнглингиз кўрмаган
эдими? Сизга шунча истеъодд
берган Аллоҳ жасоратдан қисгани-
га ишонгим келмайди.

Бас, терган ғиштларингиз ва
айтган кўшикларингиз энди жой-
ни тополмайди. Қамишсиз ҳам
булоқлар тўлиб-тошади. Аммо
максадсиз қаҳрамонлик “ярқ” эта-
ди-ю, сўнади. Эй ошиқ! Юрагида
қатъияти йўқ одамга ишониб
бўлмаслигини биласизми? Қандай
килиб энди сизга кўнглимни топ-
ширай? Алвидо.

МАРЗИЯ

Ҳа, Марзиянинг кўнгли устага мой-
ил бўлмаганида эди, қиз юзидан пар-
да кўтарила, индамай кетармиди?
Афуски, ошиқ йигит илк синовлар
олдида ожиз қолди. Ирова, матонат
йўқ жойда севги-муҳаббат бўлиши
мумкин эмас. Меъморий уйғунлик не
учун чала қолганлиги энди сизга аён,
азиз муштарий.

УЯТ
БУЛЛАДЫ

Пешоб чиқарув каналининг бошида, гүёки унинг ички

ЭРКАКНИНГ “ЧИМКИЛДИКЧИ ЙОРАГИ”

илдиз қисми сифатида жойлашган аъзо — простата безини шартли равишда эркакнинг “иккинчи юраги” дейиш мумкин. Бу аъзонинг яллиғланиш касаллиги — простатит эркаклар нинг қарийб учдан бир қисмидан учрайди. Хасталик заҳ, совуқ шароитларда шамоллаш, каби ўнлаб сабаблар натижасида вужудга келади. Простатит кўпинча умуман белгисиз кечиши ҳам мумкин. Аммо бу касаллик белгиларининг ҳам 85 дан зиёд тури аниқланган. Беморларда энг кўп учрайдиган аломатлар; олат ва тухумларда оғриқ, совуқ қотганга ўхшаш хис бўлиши, чот, қорин пасти, бел соҳаларида аҳён-аҳёнда оғриқ бўлиши, тез-тез сийиш, ва ҳоказолар. Бу касаллик бўйича келганлар кўпинча жинсий заифлик, ўта жizzакилик ва оиласда маълум дисгармоник вазият юз берганлигини таъкидлашади. Хасталик анча инжиқ ва у махсус мукаммал давони талаб этади.

Простатитнинг асосий сабабларидан бири гиподинамия — камҳаракатлик ёки ўтроқ иш тарзи. Шу боис, бу дард ҳайдовчиларда, доимо ором курсида ўтириб ишловчи бошка касб соҳибларида, ўтиравериш натижасида кичик тос

Жарроҳлар игна ва ип билан кесилган жойни тиксалар, Африкадаги халқ жарроҳлари эса тикиш учун тирик чумолилардан фойдаланадилар. Кесилган жойнинг четлари бир-бирига бирлаштириб турлади

ТИКУВЧИ ЧУМОЛИ

в а
жароҳат устига чумоли қўйиб чиқи-
лади. Чумоли одатига кўра, бемор терисини тишли-
лайди, шунда жарроҳлар чумолининг бош қисмини қолдириб қол-
ган қисмини кесиб ташлайдилар,
жароҳатлар пишиқ беркилиб, боғ-
ланниб қолади. Чумоли ажратиб чи-
қарган модда антибиотик каби ин-
фекциядан ҳимоя килиши мумкин.

аъзоларида қон димланишидан вужудга келади. Таассуфки, бу ҳолларда ҳаракатчаник, махсус машқларга зарурат туғилади.

Кўйида баён қилинган гимнастик даволаш машқлари мажмуаси жинсий аъзолар касалликларга мойиллик ҳолатларини бартараф этади. Шу сабабли бу машқларни барча эркаклар қўлласа-

зишга ҳаракат қилинади (нафас чиқарилади).

5-машқ. Юқоридагидек, дастлабки ҳолат. Кўллар ёнга чўзилиб, оёқ орқага узатилиди (нафас олинади), тос мускуллари таранглостирилган ҳолда, дастлабки ҳолатга қайтилади (нафас чиқарилади). Машқ шундай тарзда чап оёқ билан ҳам тақрорланади.

тоснинг ўнг томони юқорига чўзилади ва тана оғирлик маркази чап оёқга ўтказилали (нафас олинади), сўнг дастлабки ҳолатга қайтилади. Худди шу машқ иккинчи томонда ҳам бажарилади.

8-машқ. Дастлабки турли ҳолатлардан тўлиқ ўтиришга ҳаракат қилинади. Бу машқ ўртача маромда нафас олинган пайт, тос ва орқа соҳа

ди). Даствлабки ҳолатга қайтилади (нафас чиқарилади). Ушбу машқ бошка ён томонда ҳам бажарилади.

12-машқ. Юқоридагидек, дастлабки ҳолат. Кўллар ён томондан баландга кўтарилиб, шу вақтда тана ўнг томонга бурилади (нафас олинади), дастлабки ҳолатга қайтилади (нафас чиқарилади). Ушбу

лар мақсадга мувофиқ бўйур эди:

1-машқ. Хонада айланниб ёки жойда туриб юрилади. Машқ пайтида кўллар фаол ҳаракатлантирилиши ва оёқларнинг сон қисми юқорироқка кўтарилиши лозим.


2-машқ. Кўллар ён томондан юқорига кўтарилиди (нафас олинади), сўнг дастлабки ҳолатга қайтилади (нафас чиқарилади).

3-машқ. Даствлабки ҳолат: кўллар белда, тик турилади. Ўнг оёқ олдинга чўзилади ва ўтиришга ҳаракат қилинишади.

4-машқ. Даствлабки ҳолат: кўллар белда, тик турилади. Ўнг оёқ олдинга чўзилади ва ўтиришга ҳаракат қилинишади.

5-машқ. Даствлабки ҳолат: кўллар белда, тик турилади. Ўнг оёқ олдинга чўзилади ва ўтиришга ҳаракат қилинишади.

6-машқ. Сиздан маслаҳат сўраб қолувчи



мускулларининг таранглостиши билан бир вақтда бажарилиши лозим.

9-машқ. Оёқлар чалишитирилиб, ўнг оёқ олдинда, тик турган даствлабки ҳолат. Орқа мускуллар таранглостирилган ҳолда, ўнг оёқга ўтирилади (нафас олинади), даствлабки ҳолатга қайтилади. Сўнг чап оёқ олдинга кўйилиб, ушбу машқ давом эттиради.

10-машқ. Стугла ўтирган ҳолда даствлабки ҳолат. Оёқлар билан полга таяниб, тос юқорига кўтарилади. Бу пайт чот мускуллари таранглостиши билан бажарилади.

11-машқ. Тик турган ҳолда даствлабки ҳолат. Ўнг оёқни ўнг томонга йиқилгансимон чўзиб, унга ўтиришга ҳаракат қилинади (нафас олинади).

12-машқ. Даствлабки ҳолат: кўллар белда, тик турилади. Ўнг оёқ нишбатни таъниб, тос юқорига кўтарилиши билан бажарилади.

13-машқ. Юқоридагидек, даствлабки ҳолат. Кўллар белда, ўнг оёқ нафас чиқарилади, сўнг чап оёқ олдинга кўтарилиши лозим.

14-машқ. Юқоридагидек, даствлабки ҳолат, секин нафас чиқарилади, тос мускуллари таранглостирилган ҳолда бажарилади.

15-машқ. Юқоридагидек, даствлабки ҳолат. Тана билан айланма ҳаракатлар қилинади, аммо тос қимирламайди. Машқ ўртача маромда бажарилади. Эркин нафас олинади.

Машқ бошка томонда ҳам бажарилади.

16-машқ. Юқоридагидек, даствлабки ҳолат. Кўллар белда, ўнг оёқ нафас чиқарилади, тос мускуллари таранглостирилган ҳолда бажарилади.

17-машқ. Юқоридагидек, даствлабки ҳолат, секин нафас чиқарилади, тос мускуллари таранглостирилган ҳолда бажарилади.

Ва ниҳоят, машқлар якуннида нафас олишни меъёрга келтириш учун турган жойингизда юра бошлайсиз.

Газетхон саволига шифокор Үктам Мұхаммад Мурод жавоб беради.

**ОБИД,
Тошкент шаҳри,
Собир Раҳимов тумани..”**

нади. Бу ўтириш машқи чап оёқ билан алмаштирилиб, 5-6 марта тақрорланади. Эркин нафас олинади.

4-машқ. Юқоридагидек, даствлабки ҳолат. Кўллар ён томонга чўзилган ҳолда тана иккى томонга галма-галдан бурилади (нафас олинади), сўнг олдинга энгашилиб, кўлларни оёқ учларига етка-

тирилади, (нафас олинади). Даствлабки ҳолатга қайтилади.

11-машқ. Тик турган ҳолда даствлабки ҳолат. Ўнг оёқни ўнг томонга йиқилгансимон чўзиб, унга ўтиришга ҳаракат қилинади (нафас олинади).

Ушбу машқлар хасталикка қарши қўлланиладиган чоралардан ҳисобланади. Аммо ўзингизда беҳоллик сезишининг билан зудликда мутахассис шифокор хузурига боринг.

ЖИГАР САНЧИҒУДА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Ён ва туз алмашинуви бузилганида, шунингдек ўт пуфаги касалликларида шу пуфакда аста-секин тошлар пайдо бўлиши мумкин. Бу тошлар қорин бўшлиғига тутиб-тутиб турладиган қаттиқ оғрикларга сабаб бўлади. Ўт пуфагидаги тошлар беморни безовта қилмасдан бир неча йиллар турва бериши ҳам мумкин. Лекин баъзан каттагина тошлар жигар санчигига олиб келади. Хасталикнинг асосий белгиси ўнг қовурғалар остида жуда қаттиқ оғриқ пайдо бўлишидир. Оғриқ хуружи вақтида одамнинг аъзни бадани қалтираб, у сафро араплаш қайт қилиди, тана ҳарорати қўтарилиб, бадани сарғайиб қолади. Касаллик хуружи бир неча минут, соат ва ҳатто кун давомида кузатилиши мумкин. Умумий ўт йўлига тош тикилиб колса, ахлат рангисизланади.

Жигар санчиги тутиб қолган пайтда беморни бутунлай тинч қўйиш зарур. Жигар соҳасига муз солинган халта қўйи-

лади (врач буорган бўлса). Баъзан иссиқ ваннага тушиш ахволни анча енгилластиради. Беморга кўпроқ чой, гази чиқарип юборилган маъдан сув бериб турни зарур. Бемор қайт килаётганида уни ёлғиз қўйиш мумкин эмас. Уни қулаг ҳолда ўтқазиб ёки ётқизиб қўйиш, бошини ушлаб турни, қайт қилиб бўлганидан кейин оғзи чайиб ташлаши учун сув бериб, иягини сочиқ билан артиб қўйиш, ўрнига ётқизиб, иссиқ қилиб ўрша зарур.

